



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Абдуллоев Суннатилло Акмал ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14901899>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 20th February 2025

KEYWORDS

Оммавий тартибсизлик,
сабаб шарт-шароитлар, жиноят,
жавобгарлик, келтириб чиқарувчи
омиллар, профилактика
инспектори.

ABSTRACT

Ушбу мақолада оммавий тартибсизлик, унинг турлар ва келиб чиқиш сабаблари, содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқлаш ва бартараф этиш, оммавий тартибсизлик орқасидан келиб чиқадиган оқибатлари ва оммавий тартибсизлик ҳақида олимларнинг фикрлари ёритилган.

Бутун дунёда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Айниқса, одатий ва алоҳида шароитлар (оммавий тадбирлар ўтказилаётган, оммавий тартибсизликлар ва фавқулодда вазиятлар юзага келган вақтлар)да жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда эса ички ишлар идораларининг гуруҳий ва шахслараро муносабатларни жинорий ва бошқа ғайриқонуний тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширувчи профилактика хизматлари муҳим ўрин тутди. Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти бу – криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда жойлашган жамоат жойларида ва объектларда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт” деб бежизга таъкидламаганлар.

Оммавий тартибсизликлар-бу ўрнатилган жамоат тартиби ва хавфсизлигини оммавий жойларда бузишда ифодаланган кўплаб инсонларнинг бошқарилмаган ҳаракатлари.

Оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш- оммавий тартибсизликларни тайёрлашга йўналтирилган масалан, ташвиқот ўтказиш, фаолларни танлаш, оммавий

тартибсизлик раҳбарларини яратиш, режани тайёрлаш, уларни ўтказиш жойи, вақтини танлаш, плакат, шиорлар ва варақаларни тайёрлаш каби шахснинг ҳар қандай ҳаракатларини тушуниш лозим. Оммавий тартибсизликлар қатнашчиларини қуйидаги 3 турга бўлишимиз мумкин:

- Оммавий тартибсизликлар ташкилотчилари;
- Оммавий тартибсизликларнинг фаол қатнашчилари;
- Тўда оломон;

Оммавий тартибсизликлар иштирокчилари асосан қуйидаги шахслар тоифасидан иборат бўлади:

- 1) Безори ва спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларга тобе;
- 2) Экстремизм руҳида бўлганлар ва муқаддам судланганлар;
- 3) Яшаш ёки иш жойи бўлмаганлар;
- 4) Жиноятчилар;

Оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилар:

Жиноятчи ёки давлатга қарши иш тутадиган, ғоявий ахлоқий беқарор шахслар ҳаракатлари. Безорилик қилишга мойил шахсларнинг ҳаракатлари. Ёшлардан ташкил топган беқарор гуруҳлар орасидаги тўқнашувлар. ИИО ва бошқа орган вакилларига қарши, куч ишлатиш йўли билан жазолашни мақсад қилган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари. Жазони ижро этиш муассасаларидан гуруҳий қочишни ҳамда ЖИЭМ маъмуриятига ҳужум қилишни мақсад қилган маҳкумларнинг ҳаракатлари. Айрим ишлаб чиқариш корхоналарида, ётоқхоналарда, ўқув юртларида тарбиявий ишларнинг етарли эмаслиги. Баъзи мансабдорлар томонидан аҳолининг ва меҳнаткашларнинг етишмовчилиги ёки меҳнат шароити тўғрисида ҳақли талабларни бажармаслиги ёки менсимаслиги. Ишчиларга ойлик маошининг ўз вақтида берилмаслиги. Меҳнат ва техника хавфсизлигини ташкил қилишда бузилишларга йўл қўйиш, транспорт қатновининг даврий ишламаслиги, ундаги камчиликлар. ҲМҚО томонидан коррупсион ҳаракатлар содир этиш. ҲМҚО томонидан қонунчилик принциплари бузилиши, ҳокимият ваколатларидан четга чиқиш. Гуруҳлараро тўқнашувлар, ичкиликбозлик, безорилик ҳақида ўз вақтида хабар бермаслик. Давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг асоссиз равишда шаъни, қадр-қиммати камситилиши ва бошқалар. Юридик адабиётларда ушбу тушунчага берилган таърифларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

«**Жамоат тартиби** – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр қимматини ҳамда умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган, ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими».

«**Жамоат хавфсизлиги** – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади».

Айирмачиликка, оммавий тартибсизликларга, ҳокимият органларига зўравонлик йўли билан қаршилиқ кўрсатишга даъват этадиган ҳар қандай ҳаракатларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ кескин чора кўрилади, айбдорлар эса муқаррар жазога тортилади.

Оммавий тартибга қарши ҳуқуқбузарликларга жиноят-ҳуқуқий чоралар кўриш масалаларини ўрганиш нуқтаи назаридан оммавий тартибсизликлар бевосита объектини аниқлаш муаммоси жуда долзарб, чунки бу бизга ушбу ижтимоий муносабатларнинг айнан қайси қисми ЖКнинг 244-моддаси билан тартибга солинадиган жиноий-ҳуқуқий тақиқ билан ҳимояланганини аниқлаш имконини

беради. Албатта, объектни тўғри тушуниш ушбу жиноятнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятини тушунишнинг асосий шартидир. Юридик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда оммавий тартибсизликнинг бевосита объекти таърифи жуда ихчам тарзда берилган.

Жумладан, Б.В.Яцеленко таъкидлашича, оммавий тартибсизликлар объекти жамоат хавфсизлигидир¹. Бироқ гарчи ушбу моддада назарда тутилган жиноят содир этилиши натижасида жамоат хавфсизлиги, шубҳасиз зарар кўрсада, аммо бу объект Жиноят кодексининг "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" номли XVII бобида мустақамланган кўплаб ижтимоий хавфли ҳаракатларга хосдир.

М.П. Карпушин ёзишича: "Оммавий тартибсизликлар давлат бошқаруви, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий манфаатлари каби муҳим объектларга тажовуз қилади", айти чўғда "оммавий тартибсизликлар юридик ва жисмоний шахслар мулкига ёки уларнинг ўзига ҳужумлар содир этиш, уларни йўқ қилиш ва шикаст етказишда ифодаланиши туфайли, уларнинг объекти сирасига давлат ва жамоат ёки алоҳида шахсларнинг мулк, ҳокимият вакиллари ва айрим фуқароларнинг шахси бўлиши мумкин"². Албатта, муаллифнинг оммавий тартибсизликлар объектининг мазмуни ҳақидаги фикрлари анча эскирган, совет қонунчилигига асосланади.

Хусусан, замонавий шароитда давлатимизда мулкчилик шакллари соҳасидаги жиддий ўзгаришлар туфайли, мазкур қарашлар қисман ўз аҳамиятини йўқотган. Ўз навбатида П.В. Помазковнинг сўзларига кўра, оммавий тартибсизликларнинг бевосита объекти "жамоат хавфсизлигининг ўзига хос таркибий қисми сифатида намоён бўладиган жамоат тартиби" ҳисобланади³. Ушбу таърифда муаллифнинг оммавий тартибсизликнинг бевосита объектини кенг тарқалган жамоат хавфсизлиги билан чекламасдан унинг таркибий қисми сифатида жамоат тартибига торайтириш истагини таъкидлаш жоиз.

Шуни таъкидлаш керакки, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби жуда мураккаб тузилишга эгаллиги, ушбу жиноятнинг қўшимча объектлари масаласини ҳал қилишнинг табиий заруратига олиб келди. Масалан, А.З. Илёсов ва А.В.Новиковларнинг наздида, бу жиноят кўп объектли бўлиб, оммавий тартибсизликларнинг умумий объекти жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш асослари ҳамда уларни таъминлаш бўйича давлат органларининг фаолияти ҳисобланади. Оммавий тартибсизликларнинг бевосита объектлари фуқаролар ва ҳокимият вакиллари соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, давлат органларининг нормал фаолияти, турли субъектларнинг мулкий ҳуқуқлари, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари (масалан, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ва бошқалар) бўлиши мумкин⁴.

П.В.Агапов ушбу жиноятнинг бевосита объектини батафсилроқ талқин қилади: «...бевосита объекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини умумий хавфли характердаги турли таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир»⁵. Аммо шуни таъкидлаш керакки, муаллиф бу ерда "жамоат хавфсизлиги" атамасини унинг

¹ Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник / Под ред. А.И. Рарога. 7-е изд., перераб. и доп. М.: Проспект, 2012. С. 506

² Дьяков С.В., Игнатъев А.А., Карпушин М.П. Ответственность за государственные преступления / Общ. ред. и введ. Л.И. Баркова. М.: Юрид. лит., 1988. С. 110.

³ Помазков П.В. Борьба с преступлениями против общественного порядка: Дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2004. С. 55 - 56.

⁴ Ильясов А.З. Уголовно-правовые и криминологические проблемы массовых беспорядков: Дис. ... канд. юрид. наук. Махачкала, 1999. С. 51 - 52. Новиков А.В. Преступления против общественного порядка, сопряженные с посягательством на собственность: Дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2009. С. 106 - 107.

⁵ Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. В.К. Дуюнова. М.: РИОР, 2008. С. 487

норматив таърифи билан алмаштирган, холос. Оқибатда, оммавий тартибсизликларнинг бевосита объекти таърифи кўриб чиқиладиган жиноятни Жиноят кодексининг XVII бобидан назарда тутилган бошқа қилмишлардан ажратиш имконини берадиган аниқроқ шаклга эга бўлмайди.

Е.Н. Федик, умуман, аввалги муаллифлар нуқтаи назарига қўшилган ҳолда, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноятнинг қўшимча объекти сифатида "инсоннинг жисмоний дахлсизлиги, унинг соғлиғи, мулки, жамоат тартиби, корхоналар, муассасалар, ҳокимият ва бошқарув органлари нормал фаолиятини таъминлаш бўйича муносабатлар"ни қўшимча қилади⁶.

Бизнинг фикримизча, бу қўшимча жуда тўғри, чунки у ўрганиладиган жиноятни содир этиш усуллари — зўравонлик, босқинлар, ўт қўйиш, мулкни йўқ қилиш, ўқотар қурол, портловчи моддалар ёки портловчи қурилмаларни қўллаш, шунингдек ҳокимият вакилига қуролли қаршилик кўрсатишни ҳисобга олади. Шу билан бирга, мазкур қўшимча оммавий тартибсизликлар таркибининг асосий бевосита объектини шакллантиришда аниқлик йўқлигини истисно қилмайди.

Шунга кўра, айрим олимларнинг фикрича, оммавий тартибсизликлар жиноятнинг қўшимча бевосита объекти сифатида фуқаролар ва ҳокимият вакиллари соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, давлат органларининг нормал фаолияти, турли субъектларнинг мулкий ҳуқуқларини тан олиш ҳақидаги фикрлар етарли асосга эга эмас⁷.

Ўз навбатида, Э.А. Арипов оммавий тартибсизликлар каби жиноятнинг бевосита объекти жамоат хавфсизлиги, шунингдек, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, давлат, жамоат ва шахсий мулки ҳисобланади, шунда мазкур жиноятнинг асосий объекти – бу жамоат хавфсизлиги, қўшимчаси эса – шахс ва мулк бўлади⁸, деб ҳисоблайди.

Замонавий тартибсизликларни тахминан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: қуролли (улар оқилона режалаштириш, аниқ мақсадни белгилаш, ижтимоий ва тизимлилик билан ажралиб туради) ; экспрессив бузилишлар (кескин ифодали, ҳис-туйғулар ва фикрларни ифодалашга бўйсунувчи); асоссиз (ижтимоий ва таркибий сабаблари йўқ); ўтиш давридаги тартибсизликларга бўлинади. Баъзи муаллифлар оммавий тартибсизликларни ҳокимиятга бўйсунмасликка қаратилган ҳаракатлар, жумладан фаол ва тажовузкор зўравонлик ҳаракатлари деб таъриф берадилар, оломон жамоат жойларида белгиланган тартибни бузиш билан ифодаланган фаол ҳаракатлар, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда ўзини тутиш қоидаларини бузиш билан ифодаланадиган ҳаракатлар. Умуман олганда, кўп сонли одамларнинг тартибсиз, тарқоқ, бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ҳаракатлари; фуқароларга, ташкилотларга, ҳукумат амалдорларига қилинган ҳужумлар, қирғин, ўт қўйишлар оммавий тартибсизликлар натижаларини ифодалайди.

Деярли барча муаллифлар, бу ёки бошқа тарзда фақат оломоннинг оммавий зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш, мулкни йўқ қилиш ва бошқа турдаги тажовузкор ҳаракатлари натижасида оммавий тартибсизликларни квалификация қилиш мумкин деган фикрларни илгари сурадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг "Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида"ги Қарорида ҳам оммавий тартибсизлик қирғинлар қилиш,

⁶ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. А.В. Бриллиантова. М.: Проспект, 2010. С. 829.

⁷ <https://wiselawyer.ru/poleznoe/57879-obekt-sostava-massovykh-besporядkov>

⁸ Арипов Э.А. Уголовная ответственность за массовые беспорядки (по материалам Кыргызской Республики и Российской Федерации): Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2008. С. 122

вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ ҳаракат орқали изоҳланади деб белгиланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак профилактика инспектори оммавий тадбирлар жараёнида оммавий тартибсизликларни олдини олишга қаратиши лозим, чунки оммавий тартибсизликларнинг ижтимоий хавфи юқори бўлиб, унинг натижасида кўпчилик фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф туғилиши мумкин. Шуни алоҳида такидлаш лозимки, оммавий тадбир жараёнида жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишлар ва оммавий тартибсизликлар ташкилотчилари бўла оладиган норасмий етакчиларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, бунга биз юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги шахсларни ушлашга ва зарарсизлантиришга эътибор қаратиш лозим. Ушбу тоифага ўз ҳаракатлари билан бундай вазиятларни келтириб чиқариш, одамларни бирлаштириш ва жипслаштириш қобилиятига эга бўлган, уларни ўз иродасига бўйсундира оладиган, уларда ишонч ҳосил қила оладиган ва оломонни жумбушга келтира оладиган шахслар киради, бундай шахсларнинг аксарияти сиёсий фаолият билан шуғулланадилар ёки жиноятчилар оламига алоқадор бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник / Под ред. А.И. Рарога. 7-е изд., перераб. и доп. М.: Проспект, 2012. С. 506
2. Дьяков С.В., Игнатъев А.А., Карпушин М.П. Ответственность за государственные преступления / Общ. ред. и введ. Л.И. Баркова. М.: Юрид. лит., 1988. С. 110.
3. Помазков П.В. Борьба с преступлениями против общественного порядка: Дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2004. С. 55 - 56.
4. Ильясов А.З. Уголовно-правовые и криминологические проблемы массовых беспорядков: Дис. ... канд. юрид. наук. Махачкала, 1999. С. 51 - 52. Новиков А.В. Преступления против общественного порядка, сопряженные с посягательством на собственность: Дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2009. С. 106 - 107.
5. Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. В.К. Дуюнова. М.: РИОР, 2008. С. 487
6. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. А.В. Бриллиантова. М.: Проспект, 2010. С. 829.
7. <https://wiselawyer.ru/poleznoe/57879-obekt-sostava-massovykh-besporyadkov>.
8. Арипов Э.А. Уголовная ответственность за массовые беспорядки (по материалам Кыргызской Республики и Российской Федерации): Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2008. С. 122.
9. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "MUHIM HODISA BO'LGAN HOLDA KASALLIKNING MUHIMLIGINI TEKSHIRISHNI profilaktikasi". *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1-2 (2024): 130-136.
10. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM OLIHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).